

## МУНДАРИЖА

### БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

<b>У.ЯКУБОВ, Д. ЖУРАЕВА.</b> Иқтисодий леверидж ва унинг зарурати.....5	K
<b>Д.МУХАММЕДОВА, Р.КАДИРОВА.</b> Трансформации бухгалтерской отчётности в республике Узбекистан в формат МСФО.....10	
<b>И.ҲАБИБУЛЛАЕВ, А.ҚОРАБОЕВ, Н.РАШИТОВА.</b> Миллий ҳисоблар тизими ва унинг тараққиёт босқичлари.....16	
<b>Б.МАМАТОВ.</b> Биргаликдаги фаолиятни таснифлашнинг назарий масалалари..22	

### БАНК ИШИ

<b>Т.КАРАЛИЕВ, С.ХОЛМУРОДОВ.</b> Банк назорати бўйича янги талабларнинг моҳияти.....29
---

### ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

<b>Б.МАРДОНОВ.</b> Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари.....34
--

### МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ

<b>В.НУРИТДИНОВА.</b> Иқтисодиётнинг модернизациялаш шароитида ҳудудлар молиявий имкониятларини оширишда ҳудудий дастурларнинг аҳамияти.....39
--

### ПЕНСИЯ ИШИ

<b>Д.РУСТАМОВ, З.БЕКНАЗАРОВ.</b> Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини оптималлаштириш масалалари.....44
--

### СУҒУРТА ИШИ

<b>И.КЕНЖАЕВ.</b> Суғурта бозорида рақобатни ривожлантириш масалалари.....50
<b>Т.БОЙМУРАТОВ.</b> Суғурта фаолиятида меъёрлашган риск концепциясига ўтиш: муаммо ва ечимлар.....54

УЎТ 336

У.ЯКУБОВ, Д. ЖҲРАЕВА

**ИҚТИСОДИЙ ЛЕВЕРИДЖ ВА УНИНГ ЗАРУРАТИ**

Мақолада корхона иқтисодий муносабатларидаги иқтисодий леве­ридж тушунчаси ва унинг назарий ҳамда амалий томонлари ҳақида сўз боради. Хусусан, иқтисодий леве­ридж ҳамда унинг ҳисоб тизимидаги ижобий жиҳатлари кўрсатиб берилган.

**Таянч сўзлар:** иқтисодий леве­ридж, ишлаб чиқариш леве­риджи, ишлаб чиқариш леве­риджи даражаси, молиявий леве­ридж, молиявий леве­ридж даражаси, умумий леве­ридж.

В статье дано понятие об экономическом леве­ридже, речь идёт об экономических отношениях на предприятии, а также рассматриваются его теоретические и практические аспекты применения экономического леве­риджа в учетной системе.

**Ключевые слова:** экономический леве­ридж, производственный леве­ридж, уровень производственного леве­риджа, финансовый леве­ридж, уровень финансового леве­риджа, совокупный леве­ридж.

In the article the matter is about a concept of economic leverage in the economic relations of entity as well as its theoretical and practical issues. Especially, economic leverage and its positive sides in the accounting system have been shown.

**Key words:** economical leverage, operational leverage, level of operational leverage, financial leverage, level of financial leverage, aggregate leverage.

Тарихан бозор муносабатларига олдин ўтган ва уни яхлит иқтисодиёт шаклига келтириб улгурган ҳамда ривожланишини йўлга қўйган мамлакатлар ҳўжалик фаолиятида бу борада кўплаб тажрибалар тўпланган ва жараён узлуксиз давом этмоқда. Илғор тажрибалардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш эса бошқа мамлакатлар иқтисодиёти самаралидир. Мана шундай тажрибалардан бири корхоналар ҳисоб тизимидаги иқтисодий леве­ридж тушунчасидир. Ривожланган мамлакатлардаги корхоналар фаолиятларида мазкур муносабатдан ўта самарали фойдаланилади. Яъни иқтисодий леве­риджни қўллаб фаолиятни амалга ошириш мумкин бўлган шароитда мавжуд ресурсларни ишлатиб энг кўп фойдага эга бўлади, шунингдек, қарз маблағларидан ўз маблағларига қараганда самарали фойдаланишга эришилади, натижада эса кўпроқ дивиденд тўлаш имкониятига эга бўлади.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз соҳа олимлари томонидан мазкур муносабат чуқур ўрганилмаган. Фақатгина, сўнгги йилларда бир қатор олим ва мутахассисларимиз бу борадаги аҳамиятли фикрларини билдириб ўтдилар. Мисол учун, Б.Ҳакимов, [1] М.Юнусов, О.Очиловлар ишлаб чиқариш леве­рижи ва унинг афзал жиҳатлари, [2]М.Рахимов, А.Тўраевлар [3]эса молиявий леве­ридж ва унинг айрим томонлари бўйича ўз фикрларини баён этганлар.

Юқорида тилга олинган олим ва мутахассислар фикрларининг ижодий давоми тарзида биз умумлашган иқтисодий леве­ридж ҳақида сўз юритмоқчимиз. Иқтисодий леве­ридж ишлаб чиқариш ва молиявий леве­риджларнинг уйғунлашган кўриниши сифатида юзага чиқади. Мазкур тушунча молиявий натижаларни шакллантиришда яққол намоён бўлади. Фикримизни қуйидаги мисоллар ёрдамида тушунтириб берамиз.



Иқтисодчи олимларимиз Б.Хақимов, М.Юнусов, О.Очиловлар томонидан ёзилган мақолада ишлаб чиқариш левериджи ва унинг афзал жиҳатлари тизимли тарзда ифодалаб берилган. Ушбу мақоладан асосий якуний ҳисоб-китоб ифодаланган жадвални келтириб ўтамиз (1-жадвал).

Корхона ишлаб чиқариш фаолиятида леверидж усули бўйича "А" турдаги маҳсулотни 700 дан 1100 донагача ишлаб чиқаришга эришилса олинадиган фойда қиймати консерватив ёндашувга қараганда + 20000000 сўм кўп бўлар экан.

1-жадвал

Консерватив ёндашувни қўллаш натижасида фаолиятдан йўқотилиши мумкин бўлган фойда ҳажми [4]

	Сотилган маҳсулот миқдори СМ	Леверидж ёндашувдаги жами фойда ёки зарар (-)	Консерватив ёндашувдаги жами фойда ёки зарар (-)	Йўқотилиши мумкин бўлган фойда миқдори
	A	B	C	D=(B-C)
1	0	-70000000	-35000000	-
2	200	-56000000	-21000000	-
3	400	-22000000	-7000000	-
4	3Н	0	0	0
5	700	14000000	14000000	-
6	900	38000000	28000000	10000000
7	1100	62000000	42000000	20000000

Консерватив усул қўлланилганда эса ушбу суммага тенг фойда ўз-ўзидан йўқотилади.

Юқоридаги мисолдан кўришиб турибдики, ишлаб чиқариш левериджига асосланган усул фаолиятда кўзга кўринмаган фойдани олишга қаратилгани билан ҳам афзал аҳамият касб этади.

Тадқиқотчи А.Тўраев эса молиявий левериджнинг аҳамиятли томонларини ҳисоб-китоблар асосида издўлаб беради. Унинг қарашининг марказий жиҳати қарз маблағларидан самарали фойдаланиш имконияти мавжудлигининг асосланишидир. А.Тўраев ўз фикрини қуйидаги мисоллар билан ёритиб беради. Корхоналар фаолиятини молиялаштириш учун 200000,0 минг сўм керак. Бунинг учун биринчи корхона мутахассислари анъанавий консерватив усулни қўлади. Корхонага 50000,0 минг сўм қарз (йиллик фоиз тўлови 18%) жалб қилиниб,

Молиялаштириш манбалари  
200000,0

Усуллар	Леверидж	Консерватив
Оддий акция 150000 дона)	40000,0 (1000 М.С. 40000 дона)	150000,0 (1000 М.С.)
Қарз (18%)	160000,0 (28800,0)	50000,0 (9000,0)
	200000,0	200000,0

қиймати 1000,0 сўмдан бўлган жами 150000 минг дона акция (150000,0 минг сўм) сотилди. Мазкур корхонанинг активлари қиймати 200000,0 минг сўмни ташкил этди. Ушбу активлардан фойдаланиб корхона қарз маблағлари учун белгиланган тўловни (9000,0 минг сўм) ўз вақтида тўлади ва бир дона акция учун 0,25 минг сўмдан дивиденд берди. Бу ерда ҳеч бир жиҳатдан белгиланган тартиб бузилмади. Режа қутилганидек бажарилди.

Эндиги навбатда иккинчи ёндашув натижаларини ўрганамиз. Корхона "Леверидж" усулини қўллаб 160000,0 минг сўм қарз олди (йиллик фоиз тўлови 18%). Баҳоси 1000,0 сўмдан бўлган 40000 дона акция (40000,0 минг сўм) чиқарди. Натижада 200000,0 минг сўмлик маблағ ва уларнинг молиялаштириш манбасига эга бўлди.

Ушбу икки усулда корхоналарнинг молиялаштириш манбаларининг кўриниши қуйидаги тартибда бўлади:

Эътибор берилса леверидж усулини қўллаётганда корхона ўта юқори риск асосида фаолиятини бошлаётгандек бўлади. Чунки, қарз маблағи ҳамда унинг фоизи миқдори активларга нисбатан катта салмоқни ташкил қилмоқда.

Консерватив усул бўйича ишлаётганда корхонада мана шундай юқори рискли ҳолат мавжуд эмасдек кўринади. Таъкидлаш керакки, ушбу икки кўриниш дастлабки таҳлилнинг ифодасидир (2-жадвал). Аслида усулларнинг натижаси амалиёт якунида яққол намоён бўлади.

2-жадвал маълумотларидан аён бўлмоқдаки, агар асосий фаолият фойдаси нолга тенг бўлса, у ҳолда леверидж усулда бир акцияга тўғри келган зарар 0,72 минг сўмни ташкил қилмоқда. Бу консерватив усулни қўллагандаги кўрсаткичга

2-жадвал

## Усулларнинг дивиденд кўрсаткичига таъсири (минг сўм ҳисобида)[6]

	Леверидж	Консерватив
1. Фоиз ва солиқ тўлагунгача фойда (Асосий фаолият фойдаси)	0	0
2. Фоиз тўловлари (18%)	(28800,0)	(9000,0)
3. Солиқ тўлагунгача фойда ёки зарар ( )	(28800,0)	(9000,0)
4. Фойдага солиқ (10%)	0,0	0,0
5. Соф фойда ёки зарар ( )	(28800,0)	(9000,0)
6. Бир акцияга тўғри келадиган даромад ёки зарар ( )	(0,72)	(0,06)

нисбатан анча юқоридир. Лекин, мазкур ҳолатлар таҳлилнинг дастлабки натижаларидир.

3-жадвал

## Усулларнинг дивиденд кўрсаткичига таъсири (минг сўм ҳисобида)[7]

	Леверидж	Консерватив
1. Фоиз ва солиқ тўлагунгача фойда (Асосий фаолият фойдаси)	50000,0	50000,0
2. Фоиз тўловлари (18%)	(28800,0)	(9000,0)
3. Солиқ тўлагунгача фойда ёки зарар ( )	21200,0	41000,0
4. Фойдадан солиқ (10%)	2120,0	4100,0
5. Соф фойда ёки зарар ( )	19080,0	36900,0
6. Бир акцияга тўғри келадиган даромад ёки зарар ( )	0,48	0,25



Башарти, асосий фаолият фойдаси 50000,0 минг сўмга тенг бўлса, у ҳолда: Биз 1-жадвалда қайд этилган, яъни корхона ишлаб чиқариш левериджи усулини қўллаб асосий фаолиятдан 62000,0 минг сўм фойда олишини эътиборга олсак, мазкур тартиб қуйидаги кўринишни олади:

4-жадвал

Усулларни дивидент кўрсаткичига таъсири (минг сўм ҳисобида)

	Леверидж	Консерватив
1. Фоиш ва солиқ тўлагунгача фойда (Асосий фаолият фойдаси)	62000,0	62000,0
2. Фоиш тўловлари (18%)	(28800,0)	(9000,0)
3. Солиқ тўлагунгача фойда ёки зарар ( )	33200,0	53000,0
4. Фойдадан солиқ (10%)	3320,0	5300,0
5. Соф фойда ёки зарар ( )	29880,0	47700,0
6. Бир акцияга тўғри келадиган даромад ёки зарар ( )	0,74	0,32

4-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, корхона асосий фаолиятдан 62000,0 минг сўм фойда олса бир акцияга тўғри келадиган даромад 0,74 минг сўмни ташкил қилар экан.

Айнан мана шу жойда эътибор бериш зарурки, корхонада ишлаб чиқариш левериджи билан молиявий леверидж уйғунлаштирилмоқда. Унинг юзага чиқишини 5-жадвал мисолида кўриш мумкин.

5-жадвалда алоҳида олинган левериджлар ўзаро комбинацияга киришиб, тушумдан то бир акцияга тўғри келадиган даромадгача тизим тарзида шаклланишга эришиди.

5-жадвал

Усулларни дивидент кўрсаткичига таъсири (минг сўм ҳисобида)


1. Тушум	220000,0	}	Ишлаб чиқариш леверидж
2. Узгармас харажат	70000,0		
3. Узгарувчан харажат	88000,0		
4. Асосий фаолиятдан фойда	62000,0		
5. Фоиш ва солиқ тўлагунгача фойда	62000,0	}	Молиявий леверидж
6. Фоиш тўловлари (18%)	(28800,0)		
7. Солиқ тўлагунгача фойда ёки зарар ( )	33200,0		
8. Фойдадан солиқ (10%)	(3320,0)		
9. Соф фойда ёки зарар ( )	29880,0		
10. Бир акцияга тўғри келадиган даромад ёки зарар ( )	0,74		

Манба: Муаллиф ишланмаси

Натижада ишлаб чиқариш фаолиятдан ҳам энг юқори фойда ҳажмини қўлга киритди, молиявий фаолиятда ҳам қарз маблағларидан самарали фойдаланиб энг кўп дивидент беришга эришиди (расм).

Расмдан кўришиб турибдики, корхоналар фаолиятида иқтисодий левериджлардан фойдаланиш кўп жиҳатдан афзал жиҳатларга эга экан. Бошқа усулларга қараганда левериджнинг энг асосий жиҳати қарз маблағлардан фойдаланиб, энг юқори натижаларга эришишидир.

Хулоса қилиб айтганда, корхоналар ҳисоб тизимида иқтисодий леверидж усули бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида ўта долзарб аҳамиятга эга. Чунки,



Расм. Ишлаб чиқариш ва молиявий ливередж комбинацияси.

банклардан кредит олиб ўз фаолиятини юритаётган корхоналар, тadbиркорлар айнан шундай ижобий иқтисодий муносабатлар имкониятидан тўла фойдаланишлари зарур, деб ҳисоблаймиз.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Б.Ҳакимов, М.Юнусов, О.Очилов. Зарарсизлик нуқтаси таҳлилини ишлаб чиқариш левиреджи асосида амалга ошириш/ *Xalqaro Moliya va hisob* № 1-2 son.
2. Raximov M.YU. *Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili.*-T.: IQTISOD-MOLIYA, 2015. 392 b.
3. Тураев А. Ички аудиторни ижодий ёндашуви натижалари ва уларни ҳисоботда акс эттириш масалалари. *Biznes-ekspert*, 2016 №12.
4. Lortie, Conrad, "Using Operating Leverage to Increase Small Business Profits," *CMA Magazine* (November 1989), p. 32-34.